

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Яни Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!» шiori остида республика эсселар танловининг Тошкент шаҳар bosқичи бўлиб ўтди.

## ҚАЛЪ СЎЗЛАРИ ҚОҒОЗГА ТУШГАНДА..

Унда 40 га яқин олий ўқув юртидан икки bosқичда сараланган 100 нафардан зиёд талаба қатнашди. Улар икки ярим соат давомида шу пайтгача эгаллаган билимлари ва шахсий дунёқарашларига таяниб, Ўзбекистоннинг келажиги, унда ўзларининг ўрнини қандай кўриши, юртимиздаги ислохотлар моҳиятини қандай тушуниши, уларга муносабати ва тақдирларини ўзбек, инглиз, рус ва қорақалпоқ тилларида баён этдилар.

– Бугунги ҳудудий bosқичда талабалари-

мизнинг сараланган энг муносиблари омадларини синаб кўришди, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Авазжон Эшқулов. – Ҳозирга қадар улар университетимизнинг энг моҳир филологларидан маслаҳат ва тавсиялар олишди. Қисқасини айтганда, танловга жиддий тайёргарлик билан келишди. Биз уларга омад тилаб, аудиторияга кузатдик.

Масъулиятли синовдан ўтишига ишонч ҳосил қилиб чиқаётган ёшлардан бири – Тошкент давлат транспорт университети талабаси Комронбек Раҳмоновни суҳбатга тортидик.

– Мен ўз ижодий ишимда диёримизда бугун олиб борилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, ҳамюртларимиз учун яратилаётган янги имкониятлар ҳақида ёздим, – дейди у. – Талаба бўлганим учун шу қатламга хос бир оғриқли жиҳатни ҳам айтиб ўтдим. Маълумки, кўпчилик тенгдошларимиз ривожланган давлатларга бориб таълим олишди. Ўқини тугатгач, юртимизга қайтмасдан ўша ерда қолиб кетишди. Тўғри, республикамизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўп. Аммо бундай ёшлар чет элда қолиб кетаверилса, юртимизни ким юксалтиради? Кимдир бугунги қийинчиликларга сабр қилиб, шу мамлакатни юксалтириш йўлида изланиб-интилиши, Президентимизга таянч ва суянч бўлиши керак-ку!

Ҳа, танловда иштирок этган ҳар бир ёшнинг ўз айтган сўзи ва аниқ мақсади бор. Масалан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Гулбону Фахриддинова биринчи bosқичда ўқиётганига қарамай, юқори bosқич талабалари ва тенгдошларини ортда қолдириб, ҳудудий bosқичда қатнашди.

– Қорақалпоқ тилида эссе ёздим, – дейди

у. – Унда ёшларнинг бугунги имкониятлари ҳақида фикр юритдим. Шунингдек, орзуларим ва режаларим билан ўртоқлашдим.

Эсселар махсус ҳакамлар ҳайъатига топширилди. Улар баҳолангач, 19 май куни Ўзбекистон Миллий университетида ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилади. Унда исм-шарифлари эълон қилинган уч нафар ғолиб талаба республика bosқичига йўланма олади.

Зебо НАМАЗОВА,  
«ISHONCH»



### Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 16 май куни Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси **Гурбангули Бердимухамедов** билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президент **Шавкат Мирзиёев** Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби **Чжан Минни** қабул қилди.

Пойтахтимизда «**Декларациялар мулоқоти**» халқаро форуми бўлиб ўтмоқда.

15 май куни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Истанбул шаҳридаги ваколатхонаси** фаолиятини бошлади.

10-15 май кунлари **Тошкент шаҳрида 56-Халқаро Менделеев олимпиадаси** бўлиб ўтди. Унда 16 мамлакатдан 100 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди. **Ўзбекистон терма жамоаси 1 та олтин, 4 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди.**

19-20 май кунлари Тошкентдаги «Hilton Tashkent City» меҳмонхонасида **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм соҳалари вакиллари иштирокида йиғилиш** бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар **Бош қомусимиз – Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнини бошлаш тақлифи** билан чиқди.

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги амфитеатрда «**Бўзатов иқтидорларни кашф этади!**» шiori остида ўтказилган «Ёшлар овози» танлови республика bosқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ва якуний гала концерти бўлиб ўтди.

### Спартакиада МЕТРОПОЛИТЕНЧИЛАР БИРИНЧИ



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда «Алпомиш ва Барчиной тестлари» турлари бўйича «Саломатлик – 2022» спартакиадасини ўтказди.

Ишчи-ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилишни мақсад қилган мусобақа юқори савияда ўтди.

Унда Транспорт вазирлиги, «Тошкент метрополитени» ДУК, 2-, 5-, 7-автобус саройлари, «Қишлоққурилишлойиҳа» каби бир қатор ташкилотлар ишчи-ходимлари фаоллик кўрсатиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Хусусан, «Тошкент метрополитени» ДУК жамоаси турли спорт турларида ғолиб бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритди.

Ўз муҳбиримиз

### Тошкент вилояти



Турли байрам саналари муносабати билан **Олмалик кон-металлургия комбинати раҳбарияти ҳамда комбинат ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан хайрли ишлар амалга оширилиши аънъанга айланган.**

## ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Яқинда нишонланган Кон-металлургия саноати ходимлари куни муносабати билан ҳам 119 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож пенсионер, 35 нафар боқувчисини йўқотган оила ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқат жамланмалари тарқатилди. Шунингдек, 50 нафар комбинат фазрийси ҳамда 300 нафар ишчи-ҳодим учун Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди.

«Тўйга тўёна» деганларидек, байрам арафасида бир қатор ижтимоий объектлар ҳам фойдаланишга топширилди. «Баҳор» меҳмонхонасининг қўшимча биноси ҳамда Мис эритиш заводи ишчи-ҳодимларига хизмат кўрсатувчи 14-сонли ош-

### Фаолият



хона шулар жумласидандир. Айниқса, «Металлург» марказий стадионида, «Ёшлар» боғида, «Болажон» паркида байрам муносабати билан ташкил этилган сайл барчага бирдек манзур бўлди. Шу куни комбинат таркибий бўлинмалари ўз павильонларида экспонат ва макетлар кўргазмаси ҳамда бир қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этди.

**Шерали КўЧАРОВ**, «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси

### Фарғона вилояти

## Кўрик-танлов Ким билимли ва чаққон?

Фарғона шаҳридаги 1-сонли шифонада ишловчи ҳамширалар ўртасида «Хамшира – 2022» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда ҳар бир бўлимдан қатнашган ҳамширалар уч шарт бўйича беллашиб, билим ва иқтидорларини синовдан ўтказишди.

Иштирокчилар биринчи шартда тиббиётга оид назарий, иккинчи шартда амалий билимларини намойиш этишди. Сўнги шартда эса бадий чиқишлар орқали истеъдодларини кўрсатишди.

Якуний натижага кўра, барча шартларни аъло даражада бажарган муассасанинг травматология бўлими ҳамшираси **Дилнора Раҳмонова** 1-ўринга лойиқ деб топилди. Реабилитация бўлими ҳамшираси **Дилафруз Усмонова** 2-, диагностика бўлими ҳамшираси **Ҳилолахоно Холиқова** эса 3-ўринларни қўлга киритишди.

Танлов ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳимоятхон СОБИРОВА**, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар бирлашган қўмитаси раиси



**Келгуси сонларда ўқинг...**

**«ОҚТОШ»НИНГ СИРИНИ БИЛАСИЗМИ?**

**ТИББИЁТ БОЗОРГА АЙЛАНМАСИН!**

**ЎЛИМГА ЭЛТУВЧИ ЛАЗЗАТ**



Тошкент шаҳри

Касаба уюшма аралашгач...

## ЮЛИЯГА НАФАҚА ТЎЛАНАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Юлия Матвеева меҳнат муносабатларида ҳақ-ҳуқуқи бузилгани юзасидан мурожаат қилди.

Гап шундаки, Ю.Матвеева Мирзо Улуғбек туманидаги «Diplomat International School» мактабидан рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси вазифасида фаолият юритган. Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмасининг меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида 2021 йилнинг 30 апрелидан шу йилнинг 2 сентябрга қадар ҳомиладорлик таътилида бўлган. Аммо «Diplomat International School» мактаби раҳбарияти молиявий

аҳоли яхши эмаслигини рўқач қилиб, унга ҳомиладорлик бўйича нафақа пулларини тўлаб бермаган. Ваҳоланки, бу – Меҳнат кодексининг 233-моддаси ҳамда 2002 йил 8 майдаги 1136-сонли «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 40-43-бандларига мувофиқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Ю.Матвееванинг манфаатини кўзлаб Фуқа-

ролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан «Diplomat International School» мактабидан Ю.Матвеева фойдасига 16 миллион 525 минг сўм нафақа ҳамда 1 миллион сўм маънавий зарар пули ундириш тайинланди.

Наргиза АСАДОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига меҳнат ҳуқуқ инспектори



## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТДА ҲИКМАТ КЎП!

Тошкент педиатрия тиббиёт институти касаба уюшмасининг 2021 йилги жамоа шартномасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанларнинг таъкидлашларича, 1891 нафар аъзога эга ушбу ташкилот айна йўналишда муассаса ректорати билан ҳамкорликда иш олиб борган. Асосий эътиборни ишчи-ҳодимларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, соғлиқларини тиклашлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳам бундай имтиёزلардан фойдаланишлари учун имкониятлар яратишга қаратган.

Табиики, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Бултурсиёда 930 нафар ишчи-ҳодимга маданий дам олишлари учун бепул чипталар, 20 нафарига эса «Чимён» оромгоҳида кўнглини ҳордиқ чиқаришлари учун имтиёзли йўлланмалар берилди, бир гуруҳи Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива сингари кўҳна шаҳарларга саёҳатга юборилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма кўмитасига мурожаат қилган аъзолардан аксариятининг мурожаати ижобий ҳал

етилди. Жумладан, 267 нафари моддий ёрдам олган бўлса, 17 нафари ижтимоий суғурта ҳисобидан ажратилган имтиёзли йўлланма асосида республикамиздаги сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлади. 12 нафарининг оила аъзолари ҳам худди шундай имкониятдан баҳраманд бўлдилар.

Ўз навбатида, институт касаба уюшмаси аъзоларининг жажжи фарзандлари ҳам эътибордан четда қолмади. Улар Янги йил байрами муносабати билан пойтахти-

### Жамоа шартномаси амалда

миздаги маданият ва санъат саройларида ўтказилган шодиёналарни бепул томоша қилдилар. Тўрт нафар кичкинтой эса ёзги таътил пайти болалар оромгоҳида имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Уларнинг бир қанча тенгқурларига Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан бепул дарсликлар ва ўқув қуроллари жамланмаси ҳада қилинди.

Яна бир гап. Институтда байрамлар сабабли жамоа аҳлига хушқайфият улашиш одат тусига кирган. Бу хайрли анъана ўтган йили ҳам изчил давом эттирилди. Чунинчи, Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан захирадаги 14 нафар собиқ ҳарбий ходим, Халқаро хотин-қизлар кўнида ўқитувчи-профессор ва ишчи-ҳодим сифатида фаолият юритаётган 180 нафар аёл, Устоз ва мураббийлар кўни шарафига ташкил этилган тадбирда соҳанинг 120 нафар вакили мукофот пули ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Наврўз байрами кезлари 24 нафар ишчи-ҳодимга «Туркистон» санъат саройида бўлган тадбирда қатнашиш учун бепул чипталар тарқатилди. Хотира ва қадрлаш кўнида Иккинчи жаҳон ва афгон урушларида қатнашган, фронт ортида меҳнат қилган 19 нафар фахрийга совға-саломлар улашилди. Шунингдек, коронавирус туфайли вафот этган ходимнинг оиласи моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Жамоа шартномасида меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнгин хавфсизлиги масалалари ҳам алоҳида назарда тутилган. Шунга кўра, ходимлар имкон қадар махсус кийим-бош ва иш қуроллари билан таъминланмоқда. Ўз навбатида, бу ишларга масъул бўлган шахсларнинг малакалари ошириб борилмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА, «ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Норбиби Мирзаева Яккабоғ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежиди физика фанидан дарс бериш жараёнида меҳнат қобилиятини йўқотди. Унга меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жараҳатланиши туфайли касб касаллиги бўйича зарар тўлови 2020 йилнинг июнь ойигача тўлаб келинди. Коллеж фаолияти тўхтагач нафақа ҳам тўхтади.

### Фаолликка ундайди

Ўқитувчи амалий ёрдам сўраб касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Касаба уюшмалари иш судда кўриб чиқилиши тарафдори бўлди ва Фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ тумани судида кўрилди. Натижада, Норбиби Мирзаевага жавобгар Яккабоғ тумани 2-касб-хунар мактаби, кўшимча жавобгарлар – Қашқадарё вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси ҳамда Вилоят молия бош бошқармаси ҳисобидан солидар тартибда 4 147 486 сўм миқдоридagi қарздорлик ундирилди. Шунингдек, суд жавобгарларга бир миллион сўм маънавий зарар тўлаш мажбуриятини ҳам юкледи.

Яна бир мурожаат ечимига тўхтамади. Яккабоғ туманидаги 46-умумтаълим мактабидан боғбон бўлиб ишлайдиган Нажмиддин Абдуллаев касаба уюшмаларига мурожаат қилиб, фарзанди беморлиги учун ёрдам сўради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси Алишер Хонназаров ариза муаллифига учрашиб, кўнглини кўтарди. Туман кенгаши томонидан Н. Абдуллаевга дори-дармон харажатларига ҳарна ёрдам бўлиши учун энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

Яқинда касаба уюшма фаоллари 60 нафар ётиб қолган ва ногирон педагог ҳолидан хабар олиб, уларга озик-овқат жамланмалари тақдим этилди. Тумандаги 102 та умумий ўрта таълим мактабининг 96 тасида ёшлар етакчиси фаолият олиб борган ва штат бириги қисқаргани учун улар ўз вазифасидан озод қилинганди. Касаба уюшмалари ишдан бўшган етакчиларнинг бандлигини таъминлаш жараёнларида ҳам фаол қатнашди. Унга кўра, 91 нафар собиқ етакчи ишга жойлашди. 3 нафари ҳомиладорлик таътилида экани, икки нафарининг эса мутахассислиги тўғри келмагани аниқланди.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Наманган вилояти

Мухаммадвали Отақўзиев Уйчи туманидаги «Соку» маҳалласида яшайди. Отахоннинг тўрт сотихли ҳовлисиди йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Мевали дараклар, полиз экинлари ҳовлида барқ уриб турибди. Айниқса, ҳовлисиди аскарлардек саф тортиб турган ғаройиб ёнғоқнинг янги нави кўрган кишининг эътиборини тортмай қўймайди.

## ҲАР СОТИХ ЕРДАН 10 МИЛЛИОН СЎМДАН ДАРОМАД

«Карлик ёнғоқ» дея ном олган бу кўчатнинг ўзига хослиги шуки, йўғонлашиб кетиб, катта жойни эгалламайди, бўйи паст бўлса ҳам гўж-гўж мева беради.

Бунга туманининг «Ҳожиобод» маҳалласида яшовчи Элдар Консервнинг ҳаёти ҳам мисол бўла олади. У узоқ йиллардан буён асаларчилик билан шуғулланиб келади. Ҳозирда уч юздан ортиқ шоғирдлари бор. Унинг экологик тоза, шифобахш асали нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ном қозонган. Ота касбини давом эттириб келаётган бу оила ҳар йили 75 миллион сўмдан ортиқ даромад олади.

«Ҳожиобод»дан «Хўжаобод» сари отландик. Ушбу маҳаллада яшовчи Илҳомжон Тўхтамирзаев ўз хонадонини кичик кулолчилик корхонасига айлантириб, маҳалласиди ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаганига гувоҳ бўлди. Асосан қўл меҳнати орқали яратилаётган чинни буюмларга миллий нақшлар билан

жило бераётган опа-сингилларимизнинг ижодкорлиги кўпчиликининг эътиборини тортди. Ҳозирда ушбу кулолчилик цехида 20 турдаги чинни идишлар ишлаб чиқарилаётган бўлиб, махсус лотлар маҳаллий бозордан ортиб, қўшни Қирғизистонга ҳам экспорт қилинмоқда. Эътироф этишга арзийдиган яна бир намунали оилалардан бири – «Еркатай» маҳалласиди Болтабоевлар хонадонидир. Хонадон эгалари иссиқхонада помидор ва цитрус мевалар етиштириш асно-

орқали ҳаётини янада яхшилаверади.

«НАВОИЙ» МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДАГИ «DILIM HOME TEXTILE» КИЧИК КОРХОНАСИДА ИШЛОВЧИ 25 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ «АЁЛЛАР ДАФТАРИ» РЎЙХАТИДА ТУРГАНЛАРДАН. ҲОЗИРДА БУ ЕРДА ЭРКАКЛАР КИЙИМЛАРИ ТИКИЛИБ, МАҲАЛЛИЙ БОЗОРГА ЧИҚАРИЛМОҚДА.

Шу тўрт сотих еримиз оила аъзоларимни бемалол боқади, – дейди Мухаммадвали ота. – Экин-тикин, паррандау даррандамдан сотганимда йилига қирқ миллион сўм даромад оламан. Болаларимга ҳам болалигидан ерни боқсанг, ер сени боқад деган қойдани сингдириб келаман ва меҳнатга бўйни ёр қилиб ўстирганим учун ҳам бугун улар қўлимдан ишимни олишди.

Наманган вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар учун Уйчи туманига уюштирилган пресс-турда Мухаммадвали ота сингари ўзини ўзи банд қилиб, меҳнатидан барака топаётган қўллаб оилалар билан яқиндан танишар эканмиз, уларнинг юз-кўзида, сўзида меҳнатидан нолиш аломатларини сезмадик. Сабаби – ер билан тиллашган, ғайратли киши ҳеч замон кам бўлмайдиган, аксинча, меҳнати

сида чорвачилик билан ҳам шуғулланаётгани таҳсинга лойиқ. – Бугун уйчиликлар томорқа ботида вилоятда намуна бўлимоқда, – дейди Наманган вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Аҳмаджон Аълохўжаев. – Сабаби – улар деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ҳақисини олган. Келгусида вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бу каби тажрибаларни оммалаштириш орқали аҳоли турмуш шароитининг янада фаровон бўлишига замин яратиш ниятидამиз.

Шунингдек, пресс-турда туман маҳаллариди кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, «Аёллар дафтари»да турувчи опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш ҳамда худудларда янги иш ўринларини яратиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. «Навоий» маҳалласи худудиди «Dilim home textile» кичик корхонасиди ишловчи 25 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари» рўйхатида турганлардан. Ҳозирда бу ерда эркаклар кийимлари тикилиб, маҳаллий бозорга чиқарилаётган.

Орзуғул РУСТАМОВА, «ISHONCH»

Бандлик



Бугунги кунда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар кутубхоналарида нафақат китоблар, балки ахборот, электрон нашрлар ва ҳужжатлар билан ишлаш, кутубхона ишини электрон кўринишда олиб бориш борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Барчаси турли адабиётлар ва бадий китоблар билан бойитилиб борилмоқда. Янги китоблар кўргазмасини ташкил этиш одат тусига айланган.

Китобсиз келажак йўқ

## УЛУҒ КАШФИЁТДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Кутубхоналар учун глобаллашув даврида электрон ахборот, электрон кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, шунингдек, республикамиздаги бошқа йирик ахборот-кутубхона муассасалари билан интернет орқали боғланиш ҳамда

яқиндан ҳамкорлик қилиш яхши йўлга қўйилган.

Китоб – инсоният яратган энг улўф кашфиёт. Санаторийларда мана шу улўф кашфиётдан самарали фойдаланилмоқда.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,

«Чинобод» санаторийси «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби





# «ISHONCH»га жавоб берадилар



## МАНЗИЛЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН



«Ishonch» газетасининг 2022 йил 3 мартдаги 27-сонида «Чеккадагининг чекига ҳеч нарса тушмайди?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда Риштон тумани, «Чеккалаер» МФЙ, Гулистон 1-кўчасидаги муаммолар хусусида сўз борган. Мақолага Риштон тумани ҳокимлиги қуйдагича муносабат билдирди:

Мақолада кўтарилган муаммолар туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, Халқ қабулхонаси бошлиғи, электр, сувоқова корхонаси мутахассислари ҳамда ушбу ҳудуддаги 25 нафар муаллиф ва бошқа фуқаролар иштирокида кўриб чиқиш кўйидагилар маълум қилинди:

Мақолада «Чеккалаер» МФЙ ҳудудидаги «ички йўлларга қиш мавсумида кириб бўлмаслиги ва лойга ботиб қолиш ҳеч гап эмаслиги ёритилган бўлиб, 2021 йил манзилли давлат дастури доирасида 7 та кўчада жами 2,86 км., шундан 2,0 км. шағаллаштириш, 0,9 км. асфальтлаштириш ишлари ҳамда 4,0 км. узунликдаги боғловчи йўлни таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Туман ҳокимининг 2021 йил 3 майдаги «Риштон тумани «Чеккалаер» маҳалла фуқаролар йиғини бино иншоотларни давлат хусусий шериклик асосида тадбиркор Шерматов Абдурашид томонидан қайта қуриб, «Чеккалаер» МФЙ маъмурий биноси ҳамда савдо ва маъмурий хизмат кўрсатиши биноси сифатида фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида»ги 650-сонли қарорига асосан МФЙ биноси қурилиши бошланган вақтда ҳудуд аҳолиси томонидан норозичлик юзага келиб, МФЙ биносини аҳоли ўз маблағлари ҳисобидан қуриб олиш истагини билдиришган ва ҳозирги кунда аҳоли истақларига кўра қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳудудларда ичимлик суви, электр тармоқлари тортиши, ички йўллари жорий таъмирлаш ишлари давлат дастурлари томонидан олиб борилиши белгиланганига сабабли ичимлик суви таъминоти яхшилаш ишлари 2024 йил манзилли давлат дастурига киритилган бўлиб, унга кўра 14,0 км. тармоқ тортилиши белгиланган. Шу билан бирга 2022 йилда 2 донa трансформатор пункти ва 150 донa темир бетон устун ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, суҳбат давомида фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланди тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ҳудуддаги амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳаларни «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаб, жамоатчилик фикри асосида амалга ошириш бўйича тушунчалар берилди.

Риштон тумани ҳокими

С.Солиев

## ҚОРАТОШЛИКЛАР МУАММОСИ ҚАЛ ЭТИЛАДИ(МИ?)



«Ishonch» газетасининг 2022 йил 15 мартдаги 33-сонида чоп этилган «Ҳаммаси «хўжакурсин»гами?» сарлавҳали мақолага Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг қуйдагича жавоб келди:

Мақолада Самарқанд вилояти Қўшработ туманида Осие таракқиёт банки буюртмасини амалга ошириш доирасида сув қувурларини тортиш ишлари сусти бораётгани юзасидан шикоят қилинган. «Қоратош» МФЙда қазилган чуқурларга етказилган полиэтилен қувурлар сифатсиз, шунингдек, номига кўмилиб кетилаётгани ҳақида фикр юритилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, таҳририятга мақолада келтирилган ҳолатларга мутахассислар томонидан муносабат билдиришида кўмак бериш сўралади.

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги ПФ-6074-сон фармонида асосан «Ўзсувтаъминот» АЖ вазирлик таркибида мустақил ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ўринбосари

К.Турсунов

Мазкур мақолага «Ўзсувтаъминот» АЖ қуйдагича муносабат билдирди:

Бугунги кунда Қўшработ тумани «Қоратош» маҳалласида ичимлик суви тармоқлари тортилмоқда. Қурилиш ишлари якунига етгач, тегишли ташиқлотларнинг хулосаларидан сўнг «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ лойиҳага доир маълумот беришини маълум қиламиз.

«Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

Т.Ҳайдаров

## ҲОКИМИЯТГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 19 апрелдаги 49-сонида чоп этилган «Мақтаб қурилишига жой йўқ(ми)?» сарлавҳали мақолага Халқ таълими вазирлигининг муносабати қуйдагича бўлди:

Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 53-сонли умумтаълим мактаби 1972 йилда 180 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб қурилган бўлиб, (1972 йилда собиқ 22-мактаб филиали сифатида 180 ўқувчига мўлжаллаб қурилган. Туман ҳокимининг қарорига асосан 2019 йилда мактаб мақоми берилган) бугунги кунда 350 нафар ўқувчи 1.9 навбат (смена)да таълим-тарбия олиб келмоқда. 2020 йил маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 107 миллион сўм маблағ ажратилиб, муассасанинг иссиқлик тизими таъмирланган, бино томи, эшик ҳамда дереза ромлари алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2022 йилги Инвестиция дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган умумтаълим мактабларининг рўйхати тасдиқланган.

Мазкур қарорга асосан Фарғона вилоятига ажратилган маблағлар доирасида жами 26 та мактабда қурилиш-таъмирлаш (2 та янги қурилиш, 10 та реконструкция ва 4 та мукамал таъмирлаш) ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Учкўприк туманидаги 41-сонли умумтаълим мактабининг мавжуд 220 ўринли ўқув биносини таъмирлаш ҳамда қўшимча 220 ўринли ўқув биноси қуриш, 53-сонли умумтаълим мактабининг 220 ўринли ўқув биносини таъмирлаш ва қўшимча 180 нафар ўринли ўқув биноси қуриш учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмачи этиб белгиланган.

Бугунги кунда ушбу умумтаълим мактабларида қурилиш-тиклаш ишлари Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан амалга оширилаётганини инобатга олиб, Фарғона вилояти ҳокимиятига муурожаат қилишиниз мақсада мувофиқлигини маълум қиламиз.

Халқ таълими вазири ўринбосари

И.Жўраев



## СУРАТГА ТУШИШ МУМКИН, ФАҚАТ...



«Ishonch» газетасининг шу йил 16 апрелдаги 48-сонида чоп этилган «Бердақ эсдалиги қошида нега суратга тушиш мумкин эмас?» сарлавҳали мақолага Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қуйдагича муносабат билдирди:



Барчангизга маълум, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланади. Шунинг учун Жўқорғи Кенгес биноси ва унинг ҳудуди ишончли муҳофаза қилиниши зарур.

Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан белгиланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси ўртасида тузилган «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биносига кириш-чиқишни ташкил этишга оид йўриқномасида Жўқорғи Кенгес биноси ва унинг ҳудуди қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланади. Объект ва унинг ҳудудида мобил телефон, аудио, фото ва видео тасвирга олиш воситалари, электрон маълумот ташувчи ва узатувчи ускуналар олиб кириш, расма олиш фақатгина объектдаги масъул раҳбарларнинг рухсати билан амалга оширилади, деб қўрсатилади.

Шундан келиб чиқиб, Бердақ бобомизнинг ҳайкали Жўқорғи Кенгес ҳудудида ва иншоотнинг олдида яқин жойлашгани туфайли, Жўқорғи Кенгеснинг масъул раҳбарларига муурожаат этилади.

Бу Бердақ бобомизнинг ҳайкали олдида расма тушишни, бобомизнинг улуғлигига бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришни чеклаб қўйишни аниқлатмайди. Бердақ бобомизнинг таваллуд кунлари унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш билан бирга, бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз, Жўқорғи Кенгесда давлат миқёсидаги масаллар ҳал қилинади. Хизмат доирасида кўпал чет эллик меҳмонлар ҳам таъриф буюради. Шунинг учун бу жойда тартиб-интизом ўрнатилиши, тозаланиш сақлаш мақсада мувофиқ. Агарда бу ерда тартиб-интизом ўрнатилмаса, оммавий тадбирлар, тўй сайиллари ва бошқа тадбирлар вақтида аҳоли кўп йиғилиб, иншоот олдидаги майдонга чиқинди ташлаб кетилиши, ҳайкал атрофида ва ўсимликларга зиён етишини унутмаслигимиз зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси

Д.Қурбаниязов

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Биз таҳририятга йўлланган жавобларни ўз ҳолича эълон қилганимиз. Аммо, ростини айтганда, улардан кўнглимиз тўлди, деб айта олмаيمиз. Муаммолар ечим топармикан, буни ҳам аниқ айтиш қийин. Мутасадди идораларда уларга жонқуярлик билан ёндашилмаганлиги яққол бўй кўрсатиб турибди. Бироқ, биз мавзуга яна қайтамиз...





# «ҚУЁШ БОЛАЛАРИ»ГА КЎМАКЛАШИШГА ШАЙМИЗ!

«Ishonch» газетасининг шу йилги 30 апрель сониди «Қуёш болалари»га кўмак керак» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Даун синдроми билан туғилган болаларга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар уларга кўмаклашиш учун ҳамжиҳатликда иш юритилгани зарурлиги ҳусусида сўз юритилганди.



Муносабат

Наманган вилояти Таълим

## Кечиктириб бўлмас вазифа

Мақтаб таълимни ривожлантириш нафақат моддий хусусиятга, балки истиқболли маънавий-маърифий характердаги муҳим вазифалардандир. Хусусан, сўнгги йиллардаги янгиланишлар таълим тизимида улкан ислохотларга туртки берди.

Айни вақтда фойдаланиб келинаётган таълим стандартлари, ўқув дастурлари фақат назарий билим беришга йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларни манتيқий фикрлашга, амалиётга, ҳаётга тайёрламаётгани салбий ҳолатдир. Шу боисдан ҳам бошланғич синфларда ўқув жараёнидаги бирхилликка барҳам бериш, дарс жараёнининг турли-туманлигига эришиш мақсадида илғор педагогик ва инновацион технологияларни кенг жорий этишга ҳаракат қилинмоқда.

Педагоглар дарс жараёнини махсус тайёрланган мультимедиа иловалар, видеолардан фойдаланиб ташкил этишга катта эътибор қаратишмоқда. Ўқувчиларнинг амалий тафаккур ва тасавурларини шакллантиришда мавзуга бўлган қизиқишларини ошириш учун барча имкониятлар яратилган.

Улар томонидан ўқувчиларни ижодий изланиш, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакллари, янги метод ва педагогик воситаларнинг тўғри танланиши, дарсларнинг қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бир тақдир билдирсак: Наманган шаҳридаги мақтабларда ҳам республикамиздаги каби халқор микёсда тан олинган «Илғор ўқитувчи», «Устоз ўқитувчи» ёки «Профессионал ўқитувчи» даражаси ва мақомига тенг сертификатларни олиш учун мақтаб ўқитувчилари орасида моддий қизиқтириш омилдан кенг фойдаланиш зарур. Бу, ўз навбатида, таълим тизимининг янада ривожланишига асос бўлади, ўқитувчиларни янада ижодий ишлашга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандларимиз ҳаёти ва тақдир мақтаблардаги ўқитувчи ва мурраббийларга ишониб топширилган экан, демак, Янги Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак, деган ғоянинг илгари сурилаётгани икки қарра асосли ва тўғридир.

Муяссар ЯКУББАЕВА, Наманган шаҳридаги 7-ИДУМ бошланғич синф ўқитувчиси



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар 700-800 чақалоқдан бири Даун синдроми билан туғилади. Бу нисбат турли мамлакатларда, иқлим зоналарида ва ижтимоий қатламларда бир хил. Генетика етишмовчилиги, ота-оналарнинг турмуш тарзи, соғлиғи, одатлари ва таълимидан қатъи назар, содир бўлади.

Бугунга қадар Ўзбекистонда 1992 нафар Даун синдроми билан боғлиқ ногиронлиги бўлган шахс, жумладан, 1500 нафарга яқин бола рўйхатга олинган. Шундан 39 фоизи шаҳарларда, 61 фоизи қишлоқларда яшайди. Ёки айтилик, 46 фоизи аёллардан, 54 фоизи эркеклардан иборат.

Ногиронлиги бор болаларга бериладиган ойлик нафақа жо-

рий йилнинг 1 майдан 698 миң сўм қилиб белгиланди, 1 апрелдан эътиборан парваришlash нафақаси жорий этилди. Шунга кўра, 18 ёшгача бўлган ногирон боланинг, чунончи, Даун синдроми билан туғилган боланинг қонуний вакилига 500 миң сўм миқдорида парваришlash нафақаси тўланмоқда.

Шу йилнинг 11 апрель куни эса Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигида «Лидер инициатива» гуруҳи ташкилотчиси ва Даун синдроми болаларининг ота-оналари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Даун синдроми болаларга ногиронлики муддатсиз қилиб белгилаш ҳамда уларни парваришlash билан банд бўлган ота-оналарга ёшга доир пенсия тайинла-нишида иш стажига ҳисобга олиниши масалалари кўриб чиқилди.

Шу жараёнда Даун синдроми билан боғлиқ ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг таълим олишини, касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлашга ҳамда соғлигини тиклаш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштиришга Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи масъул этиб тайинланди. «Лидер инициатива» гуруҳи ташкилотчиси зиммасига эса ногиронлиги бор болалар ота-оналарининг инклюзив жамияти марказини ташкил этиш бўйича фикр алмашиш юзасидан ушбу гуруҳ аъзолари билан май ойининг иккинчи ярмида ҳамкорлик учрашуви ўтказиш вазифаси юклатилди. Кўрилган масалалар юзасидан барча тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари раисларига ҳамда Молия

вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига хатлар юборилди.

Айни кезларда Даун синдроми ННТ тузиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу ташкилот ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамкорлигида иш юритишга оид меморандум лойиҳаси тайёрланмоқда.

Агентлигимиз ногиронлиги бўлганларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шартини яхшилашга ва ҳар томонлама ёрдамлашишга ҳамisha тайёрдир.

Алишер ИНАКОВ, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори



Хотира

қолди. Ранг-рўйи қизариб кетди. Сўнг пи-чирлади: «...Падарига ланъат!.. Пахта терасан!.. Оч-наҳор мақтабга келасан... Мақтабда эса мана булар?...»

Мен биринчи партада ўтирардим. Устознинг кўзи ёшланганини кўрдим... Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас устознинг мактабни бутунлай ташлаб кетганини эшитдим. Билмадим, пенсияга чиқдимми ёки биз, ўқувчилардан кўнгли тўлмаганими?... Хуллас, бу самийи ва тоза-дил инсондан қайта сабоқ олиш насиб қилмади.

Негадир, шу кунларда мактабдаги ўқитувчиларимни эслагим келди. Ҳаёт ўз ҳукмини ўтказяпти, яқинларимнинг кўпчилиги бугун йўқ. Начора, дунёдан ўтганларига Аллоҳдан раҳмат, борларининг умрларига зиёдалик сўрайман.

...Ҳақиқий муаллимлар барибир бошқача бўлишади. Қалбнигузи тушунади, кўча-кўйда, тўзи-маърақада, кўйинги, қаерда учрашманг, тизини кеचириб, авайлаб, ҳурматлаб муомала қилишади. Ҳеч қачон одамийлик чегарасидан чиқмайди. Шундай табаррук инсонларни эсламай бўларканми? Дарвоқе, устозларим юрагимнинг тўридаги энг яқин инсонларимдир...

Энг фидойи устозларимдан бири – она тили ўқитувчимиз, раҳматли Абдувоҳид Топшўлатов эди. Мен тўртинчи синфга ўтганимда устоз олти-одинчи қоралаб қўйганди. Топшўлатовнинг муаллим сифатида қанчалар меҳрли, камтар ва комил бўлганини кенг англадим. Тўғрироғи, устознинг сабоқлари ҳақида кечроқ ўйлаб бошладим.

Кунларнинг бирида у киши «Нима учун дарсликнинг муқовасига ўзбек тили деб ёзилган бўлса-да, биз худди шу фонддан тутган дафтар муқовасига она тили дея ёзамиз?», деган савол берди биз – ўқувчиларга.

Ҳамма жим. Синфимиздаги аълочи ўқувчиларни бирма-бир тургазиб сўради, аммо жўяли жавоб ололмади. Стулгага ўтириб афсусланди. Сўнг ўзининг саволига ўзи жавоб берди: «Эшитиб, қулоқларингга қўйиб олинглар. Биз ўзбек бўлганимиз, тушунарлими, мусичалар...», деди. Сўнг синфдошларимиздан бири Норбек Очиловга ўгирилиб, баланд овозда «Кеча уйга берилган вазифанинг жавобини кўрсат» деди.

Синфдошимиз эрга қаради. Гап-сўз йўқ. – Сенга айтаялман, вазифани кўрсат... Устоз Норбекнинг қулоқ-чаккасига шапалоқ туширмоқчи бўлди-ю мувоозанатини йўқотиб, биринчи қатордаги партанинг бурчагига қорни биланурилди. Инграб юборди. Оғриқдан ергаўтириб

қолди. Ранг-рўйи қизариб кетди. Сўнг пи-чирлади: «...Падарига ланъат!.. Пахта терасан!.. Оч-наҳор мақтабга келасан... Мақтабда эса мана булар?...»

Мен биринчи партада ўтирардим. Устознинг кўзи ёшланганини кўрдим... Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас устознинг мактабни бутунлай ташлаб кетганини эшитдим. Билмадим, пенсияга чиқдимми ёки биз, ўқувчилардан кўнгли тўлмаганими?... Хуллас, бу самийи ва тоза-дил инсондан қайта сабоқ олиш насиб қилмади.

Хотирамда ўчмас из қолдирган олийжаноб устозларимиздан яна бири рус тили ўқитувчимиз Абдуразоқ Пиримов эди. Содда, аммо жуда қаттиққўл ўқитувчи сифатида ном чиқарган устоз дангаса, тўполончи, «иккичи» ўқувчиларнинг «думини қайириб» оларди. Тўққизинчи синфга биринчи бор қадам қўйган кунимиз, яъни 1982 йил 1 сентябрда шундай улуғ инсонни жуда қаттиқ хафа қилганим учун ҳалигача ўзимни ке-чиролмайман. Бир синфдошимиз билан биринчи партадан жой таллашиб, эҳтиётсизликдан устозни туртиб юборганмиз. У киши синфхона бурчагидаги катта голланд пекчасига боши билан бориб урилган эди. Шу-шу Пиримов домла мендан тўққизинчи ва унинг синфларда бирор марта дарс сўрамадан журналга фақт «4» қўйиб келаверди. Унингчини битираётганимизда рус тилидан имтиҳонга кирдим:

– Мақтабни битириб институтга борасанми? – деб сўради.

– Ҳа, Ташкентга бораман, – дедим кўрқув ва ҳадик билан.

Устоз бошқа ҳеч нарса сўрамадан «5» қўйиб синфдан чиқариб юборди. Бағрикенгликни қаранг...

Янглишмасам, ҳозирда марҳум устозимни охириги бор 1987 йил қишда кўрган эдим. Иккаламиз кутилимаганда туман марказида дуч келиб қолдик. Мен салом бериб ўтиб кетмоқчи эдим, Пиримов кўлларини қаттиқ сиқиб сўради:

– Ташкентга ўқишга кирибсан, ростми? – Ҳа, устоз.

– Болам, энди ўжарлик қилмай яхши ўқигин. Ота-онангни қийнама.

Шу гаплари учун устозга меҳрим янада ошди, яхши кўриб кетдим...

Ўйлаб кўрсам, ўша пайтда ҳам ўжарлигимга бориб, устозга раҳмат деган эканман. Кейинчалик Пиримовнинг меҳридарёлиғи, ҳалол ва ке-чиримли инсон эканини тушуниб етдим. Баъзан, ўй босганда шундай ўқитувчилардан сабоқ олганимдан, аксига олиб уларнинг ҳурмати ва вақтида жойига қўя билмаганимдан, бундай устозларни энди чироқ ёқиб ҳам тополмаслигимдан афсусланаман, ўкинаман, ўпкам тўлиб кетади...

Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»

## «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ ва «Бухорознергомарказ» АЖ билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибида ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига таклиф этади!

Савдо 2022 йил 20 июнь куни соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Исом Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади. Арзилар 2022 йил 18 июнь кунлари соат 18:00 гача қабул қилинади. Савдога қуйидаги мулклар қўйилган: 1. 2006 й. и.ч. «Матиз» русумли, д/р 80\201 МАА бўлган автомашина – Бошланғич баҳоси – 20 078 152 сўм. 2. 2006 й. и.ч. «Дамас» русумли, д/р 80\203 МАА бўлган автомашина – Бошланғич баҳоси – 32 112 194 сўм. 3. 2009 й. и.ч. «Дамас» русумли, д/р 80\247 ЕАА бўлган автомашина – Бошланғич баҳоси – 36 251 748 сўм.

Сотилмай қолган автотранспорт воситалари савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очиқ савдоларга 2022 йил 27 июнь ҳамда 4, 11, 18, 25 июль кунлари чиқарилади. Савдоларда қатнашиш учун истақ билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: – Мулкни сотиб олиш учун ариза; – Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси; – «Савдо ташкилотчиси»нинг ҳисобрақамига (МФО: 00119, СТИР: 300615974, банк «Ипотeka» банк АТБнинг «Сардор» филиали, х/р: 20208000604658859001) мулк бош-

ланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридаги гаров пулини тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асли нусхаси. Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома. Юридик шахслар учун – шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

қилиш (шанба ва яқшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Арзилар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади. Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб аукционга қўйилган мулклар билан танишиш имконияти яратилади. Манзил: Бухоро шаҳри, Исом Каримов кўчаси, 44-уй. Телефон: (065) 223-03-29. Хизматлар лицензияланган.

Ташкил этилган, Чиноз ташкил қилиш шартномасига асосан 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Қўболов Санжар Ёқубжон ўғли номига берилган UM № 0 6 2 9 6 1 6 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади. Ташкил этилган, Чиноз ташкил қилиш шартномасига асосан 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Қўболов Санжар Ёқубжон ўғли номига берилган UM № 0 6 2 9 6 1 6 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи бошмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Алишер Навоий кўчаси 30-уй. Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130